

АТОҚЛАЙ ДАВЛАТ АРБОГИ ВА ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИЛОВ ТАВАЛЛУДИГА 100 ЙИЛ ТҮЛДИ

ILM OLMOQQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN FARZDIR

ziyo chashmasi


ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

11.11.2017 № 10 (258) ISSN-2010-9393 ziyo-chashmasi@umail.uz 1993-yil 21-martdan chiga boshlagan

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР СИЙМО

Эрта тонгдан институтга топган, сиёсатни
шошаман. Йўлда икки ўқув- ижод билан ҳамо-
чи боланинг сухбати куло- ҳанг олиб борган
ғимга чалинади. ўзбек халқининг ар-

- Шароф Рашидов бобомиз ёзувчи бўлган, - дерди бири.
 - Йўқ, у киши давлат раҳбари бўлган, - эътиroz қиларди иккинчи бола.
 - Е, ўзим кўрганман китобларини. Дадам романларини кўп ўқыйди.
 - Дадам нега менга давлат раҳбари бўлган, деб айтди унда?
 - Даданг аниқ билмаса керак.
 - Нега билмас экан?
 - Баҳс бойлаймиз. Конфетдан!
 - Розиман. Устозимиздан сўраймиз.
 - Уларнинг сўзларидан завқим келди. Ҳар иккиси ҳақ. Ҳалқимизнинг улуғ фарзанди Шароф Рашидов истеъододли ёзувчи, таникли давлат арбобидир.
 - Дехқон оиласида таваллуд бўламиз.
 - узбек ҳалқининг ардокли фарзанди Шароф Рашидов жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўтрасида дўстлик ва бирордадарлик ришталари боғлаган, шахс эди.
 - Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бу улуғ сиймо ҳақида тўхталиб, «Рашидов - ўзбек номини улунинг энг юксак фазили
 - ни намоён қилиш фидо этган инсон таъкидлаган эди.
 - Ха, барча инсонийлар Ш. Рашидовда эди. Унинг ҳаёт йўсолар эканмиз, ўтава мазмундор умрни




екистон давлат университети
инг филология факультети
тамомлаган бўлажак адаби
ат фаолиятини ўқитувчи-
нан бошлаган. 1937-1941
арда "Лелин йўли" (ҳозир-
намарқанд вилоятининг
афшон) газетасида
ул котиб, мұҳаррир ўрини-
си, газета мұҳаррири ла-
иларида меҳнат қилган.
(Давоми 2-саҳифада)

Хабарлар

6 ноябр атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шахримизда бўй ростлаган ҳайкали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шароф Рашидовнинг ҳайкалини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг фарзанди Сайёра Рашидова очди.

Юртдошларимиз, республикамизнинг турли худудларидан ташриф буюрган меҳмонлар Шароф Рашидов ёдгорлигига гуллар қўйиб ёдга олдилар.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

*Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 698-сонли буйруғига асосан
куйидаги талабаларимиз номли давлат
стипендияларига сазовор бўлишди*



**СИНДАРОВ
Бунёдjon
Абдуваҳҳоб
ӯғли**

Физика-
математика
факультети
4-босқич
талабаси
(Ислом
Каримов
номидаги
давлат
стипендияси
соҳиби)



**ЮСУПОВА
Мафтуна
Хасан
кызы**

Ўзбек тили
ва адабиёти
факультети
4-босқич
талабаси
(Навоий
номидаги
давлат
стипендияси
соҳибаси)



**РАВШАНОВА
Адолат
Равшан
қизи**

Табиий
фанлар
факультети
4-босқич
талабаси
(Навоий
номидаги
давлат
стипендияси
соҳибаси)



АБДУАЛИМОВ
Алишер
Самандар
ҮЕЛИ

Мактабгача
ва бошланғич
таълим
факультети
4-босқич
талабаси
(Навоий
номидаги
давлат
стипендияси
соҳиби)

Шаҳримизда баҳт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон, севги ва садоқат тимсоли бўлган шоира Зулфия хиёбони барпо этилди ва ёдгорлик ўрнатилди.



АБАДИЯТГА ДАХЛДОР СИЙМО

(Боши 1-саҳифада)

Иккинчи жаҳон урушининг талотўпласи барча қатори Ш.Рашидовни ҳам четлаб ўтмади. Урушдан оғир жароҳат билан кайтди. Иккинчи жаҳон уруши талафотларини бартараф этишда фаол қатнаши. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига етакчилик қилди. 1959 йилдан умрининг охиригача мамлакатни бошқарди.

Юрт равнақига қўшган буюк ҳиссаси учун икки марта меҳнат қаҳрамони ва давлат мукофоти, ўндан ортиқ орден ва медаллар билан тақдирланган.

Ш.Рашидовнинг "Менинг нафратим" номли илк шеърий тўплами 1945 йили нашрдан чиқкан. "Голиблар" қиссасида меҳнаткаш дэхкон заҳматлари тасвирланади. Худди шу мавзу "Бўрондан кучли" романидаги ривожлантирилди.

1964 йилда яратилган "Кудратли тўлқин" романи ўзбек жангчиларининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги кўрсатган қаҳрамонларни ҳакида хикоя киласди.

Бундан ташқари атоқли адабининг публицистик мақолаларидан изборат "Тарих келишуви" тўплами, "Дўстлик рамзи" китоби нашр этилган. Бу асарларда адабиёт ва жамиятнинг долзарб муаммолари кўтарилиган.

Давлат раҳбари сифатида Ш.Рашидов республикада олиб борилаётган жамики ўзгаришларнинг бошида туриди. Бадий қаҳрамонларини ана шундай ўзгаришлар жараёнидан кашф қилди.

Биргина "Кудратли тўлқин" романини олайлик. Асар қаҳрамонлари Пўлат ва Баҳорнинг пок муҳаббати, олам-олам орзулари ўкувчидаги таассурот қолдиради. Пўлат мактабни битиргач, урушга бормоқчи бўлади. Ватани учун улуф ишлар қилишини

Республикамизни жуда оғир ва мураккаб йилларда бошқарган, эл-юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юқтирилган ўтган атоқли давлат арбоби, таникли ёзувчи Шароф Рашидов фаолиятини ҳалқимиз тарихидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Тарих фанлари номзоди Шуҳрат Эргашев таъбири билан айтганда, Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов раҳбарлар килган босқичи ҳалқимиз орасида катта қизиқирик ўйғотувчи ва айни пайтда, ўта зиддиятли давларидан бири. Ҳалқ орасида бу даврга нисбатан муносабат ўта мураккаб, ёрқин ва оғир таассуротларга бой. Шу боис Шароф Рашидов даврини ўрганиш, унга кўпчиликни қаноатлантিрадиган, объектиб баҳо бериш жуда мураккаб иш ва ҳали тарихчилар, сиёсатчилар, адабиётчи олимлардан кўп меҳнат галаб қиласди.

Дарҳақиқат, ўзбек ҳалқининг улуф фарзанди Шароф Рашидов ҳакида қанча гапирсанак оз.

Бу тарихий симо билан елкама-елка ишлаган Ўзбекистон фан арбоби, академик Оқил Салимов ва Ўзбекис-

истайди. Аммо ўпкасидаги шамоллаш орзуларини рўёбга чиқаришга йўл бермайди. Бу адабиётимиздаги Шароф Рашидовгагина хос услуб: орзулар учкуни мураккаб ҳаёт ҳақиқати...


Республикамиздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим обьектлар, улуф бунёдкорлик ишлари Шароф Рашидов номи билан бевосита боғлиқ. Энг муҳими, уларнинг барчаси нафақат ўша давр, балки келажакни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган. Бир мисол.

Ўша пайтларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида экин ерлари, боғ-роғлар барпо қилинди. Бугунги кунда бу худудлар ҳалқимизнинг фаровон ва тўкин ҳаёти учун хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов ҳалқни, ватанинг севарди, ардокларди. Мудом эл-юрт ташвиши билан яшади. Миллат манфаатини ҳар нарсадан устун кўйди.

Нодар Думбадзенинг "Абадият конуни" романидаги Бачана исмли журналист икки ой давомида юрак хасталигидан шифохонада даволанади. У умри давомида бошидан ўтказгандари, кўрган-кечиргандарини кўз олдидан ўтказди. Ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини мушоҳада этиб, адабият конунини кашф этади:

Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баробар оғирроқ... Шу даражада



оғирки, уни бир киши кўтара олмайди... Бинобарин, биз, одамлар тики, тирик эканмиз, бир-бirimiziga ёрдам беришимиз, бир-birimiz-ning юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак... Сиз менга, мен - унга, у эса бошқа бирорга. Шу тариқа узлуксиз давом этиши лозим... Токи ўлим ҳаёта бизни ёлгизлик балосига гирифтот қилиб қўймасин.

Ҳаёт инсонларни турли соҳаларга етаклайди. Шароф Рашидов ҳам ўзи кашф қилган "Абадият конуни"да инсонларнинг оғирини енгил қилди. Шу сабаб, ҳалқ бундай фарзандларини унутмайди.

Саодат НАБИЕВА,
табиий фанлар
факультети талабаси.

Серқирра иқтидор соҳиби

тонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқулов Шароф Рашидов ҳакида шундай эслайди:

"...Шароф Рашидович республикамиз, ҳалқимиз равнақи учун ўзини аямасдан меҳнат қилди. Республика-миздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим обьектлар курилиши айнан унинг номи билан бевосита боғлиқ эканини эл-юртимиз яхши билади. Энг муҳими, буларнинг барчаси нафақат ўша давр, балки келажакни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган".

Шароф Рашидов ёзувчи сифатидаги фаолиятида ўз даврини, шу давр муаммолари, қувонч ва ташвишларини ёритишига ҳаракат қилди.

Таникли олим Файбула Саломов бу ҳақда шундай ёзди: "Бугун биз яна Шароф Рашидов ижодига юзланар эканмиз, унинг асарларини бошқача кўз, ўзгача нуқтайи назар билан ўқиймиз. Гўё, сўзлар ўша-ўша ва ўша эмас; рамзлар - ўша-ўша ва ўша эмас; маънолар - ўша-ўша ва

ўша эмас..." Адаб сифатида икки Рашидовни яққол кўриш мумкин. Бири - содик "рисолабоп" ёзувчи. Унинг "Голиблар", "Бўрондан кучли" романлари, "Дил амри" қиссаси ва айниқса, мақола ҳамда нутқлари ўтирилган. Бу билан мен мазкур асарларга нақурмоқчи, уларнинг ўз даври учун қимматини заррача пасайтироқчи эмасман. Унутмайликки, кўпчилик ийрик ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам "замон сенга бокмаса, сен замонга бок" қабилида замонавий қилиб яратилган...

1992 йили Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига багишланган тантада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов шундай деган эди:

"Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодларга катта мерос қолдириди. Бу мероснинг моҳияти - Шароф Рашидовнинг табиатан кам-

тар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатидаги ибратидир.

Ҳар бир инсон ўз ички дунёкараши, табиати, тарбияси, фикрларни даражасидан яшайди ва фаолият кўрсатади, ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Бу маънода Шароф ақанинг маънавияти, тафаккури ва кўп кирралари, самарали амалиётининг ўйғулиги ҳаммамизга ибратdir".

Бу йил улуф давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланялти. Бу сиймонинг ҳаёт йўли, кечмиши ва бунёдкорлик хислатлари биз, авлодларга ўрнак.

Одилжон ШОДИЕВ,
Навоий номидаги
давлат стипендияси
соҳиби.
Гулистан
САЙФУЛЛЕАВА,
ўзбек тили ва
адабиётни факультети
талабаси.

«ZIYO CHASHMASI»
11.11.2017 № 10 (258)

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг номи мангуликка муҳланади. Беназир инсон Шароф Рашидовнинг номи мангуликка муҳланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори барчамизни бирдек қувонтириди. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Жиззах туманига Шароф Рашидов номининг берилиши, у ки-

ФИЛОЙИ ИНСОН

шининг ёдгорлик мажмуи барпо этилиши ҳалқимизни беҳад мамнун қилди.

Адабнинг сайланма китоби, ҳаёти ва фаолиятига багишиланган "Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди" хотира китоби, у кишининг фаолияти ҳақида хужжатли фильм ёш авлодни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш имкониятини яратди.

Яқин ўтишимиздаги ўта мураккаб даврда Республикализни чорак аср давомида бошқариш осон бўлмаган. Бу тарихий ҳақиқатларни ёш авлодга эслатиш, англатиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Зоро, тарихни билмай туриб, буғунги кунга баҳо бериб бўлмайди. Ўша даврда ҳар бир иттифоқдош республика раҳбари марказ кўрсатмаси билан фаолият олиб боришига мажбур эди. Шунга қарамай, Шароф Рашидов республикамиз, ҳалқимиз равнақи учун ўзини аямади. Иншоотлар, бунёдкорлик ишлари бўшида турди.

Шароф Рашидов XX аср ўзбек адабиётининг истеъододли адиларидан бири бўлган, десак янгишмаймиз. Ўзининг бой ижодий фаолиятида ҳалклар дўстлиги, миллатлар тутувлигини тараннум этади.

Орадан йиллар ўтсада, ҳалқимиз Шароф Рашидовнинг хизматлари, ҳалол ва покиза номини ҳеч қаҷон унумайди.

Дилшода ШУКУРОВА,
ўзбек тили ва
адабиётни факультети
талабаси.

МИЛАТ ИФТИХОРИ

Ўзбекистон Республикасининг президенти Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида гапирди: "... куттулған санани бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб, у киши туғилиб вояга етган Жиззах заминида муҳташам ёдгорлик мажмуи барпо этамиз".

Президентимизнинг минбардан туриб айтган ушбу сўзлари буғун ижобат бўлганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибиз. Жиззахимиз буғун тўй либоси кийди. Шароф отанинг руҳи гулзорга айланган хиёбонларда, ватандошларимизнинг қалбida кезиб юриди.

Фидойи, меҳнаткаш инсон Шароф Рашидов ўзбек ҳалқининг чинаккама, фурури, фарҳ ифтихори сифатида авлодлар қалбida сакланиб қолди. Ушбу зотнинг тарих олдида, келажак олдида қилган хизматлари асрларга татигулик, биз ўшларга ўрнак, ибрат, жасорат ва матонат рамзи бўлиб қолади.

Дилноза МАЛИКОВА,
мусиқий таълим йўналиши
талабаси.

ҚИРҚ КЕЧАЮ ҚИРҚ КУНДУЗ ТҮЙ

ҚИЛИБ МУРОД МАҚСАДГА ЕТИБДИ(МИ?)

Халқимиз құлни дуога очаркан, "топган-тутганинг түйларга буюрсун" деб тилак билдиради.

Аммо шу бир күнлик вәқтичөглик йиллаб қора терга ишлаш, фарзандлар ризқини қийиш эвазига келади.

Яқында курсдош дүстимиз акасининг түйиге таклиф килди. Бордик. Маросим шашар марказидаги ҳашаматли түйхонада үтди.

Түкин дастурхон сара егулик ва ноз-неъматларга тұла. Мезбон дүстимнинг айтишича, түқкіз құйкор, иккі бұқаңнинг баҳридан үтилибди.

Навбатда турған таникли санъаткорларинг кети узилмади. Бу орада келин-куёв "валс" га тушиб берди. Тун яримлаганда базм тугади.

Кечаси қолиб кетганимиз учун шу куни мезбонникада тунайдиган бўлдик. Түйхонадан чиқиб, хонадон эгаларининг ҳовлисига етдик. Очиги, унинг уйи шундай дабдабали түй қилган одамнинг хонаданига үшамасди. Уй буткул таъмирашга муҳтож. Айвон ва деразалар яқин йигирма ийл ичидан бўёқ қўрмагани шундок сезилиб турарди.

— Бугун түйи бўлган акам хорижда иккى ийл ишлаб келди, отам нафақасини йигди. Етмаганига қариндош уруғдан қарз кўтардик. Мана, данғиллама түй қилдик, — деди дүстим мағрурлик билан.

Ўйланиб қолдим. Иккى ийлilik пешона тери, нафақа пули, катта миқдордаги қарз бир кунда сочилса, мағрурлик билан. Тағин бундан на түй қилаётган, на янгитдан бунёд бўлаётган оила наф кўрса?

Қани бунда мантиқ? Тұрмуш шароити бир нави бўлиб турған хонадон эгалари бир күнлик үйин-кулгу, дабдабали түйни ким учун, нима учун қилаяпти үзи? Фарзандлари баҳти учунми ёки одамларга кўз-кўз қилиш учунми? Бундан кўра ихчам ва тартибли түй қилиб, ортган пулга курилаётган ёш оила учун керакли рўзгор бўюмлари олиб бериш ёхуд бир тиргак бўлар, дея бирор яхши иш бошлаш, тадбиркорликни йўлга қўйиш мумкинку? Мана бу ҳақиқатдан ҳам фарзандлар баҳти, келажаги учун қилинган иш бўлар эди.

Мулоҳазаларимиз дүстимга мулойимлик билан билдирам. У эса беписандлик билан "ўзбекчилик", "душман кўзи" қабилидаги гаплар қилди. Айтишича, бу қадрият эмиш. Эртакларда хам "қирқ кечаю қирқ кундуз түй қилиб, мурод мақсадига етади", деб яхшилик билан туғайдику, деди.

Ажабо! Қачондан бери исроғарчилик, дабдабабоз-



лик, сохта обрў учун ўзини ўққа-чўққа уриш қадрият бўлиб қолди? Душман кўйсин, деб ўзимизни ўзимиз қийнашимиз, жонимизни жабборга беришимиз қанчалик тўғри? Ахир яхши ният билан түй бошлаганда уришганлар ярашиши, одамлар душманлигини кўйиб "куллук бўлсун" га келиши эзгу анъану!

Қадимги бир подшоҳлика ҳосил мўл бўлибди. Подшоҳ ҳалқига қирқ кечаю қирқ кундуз түй қилишни буюриби.

Түй томоша авжига чиқиб, тўхлика-шўхлик бошланибди. Ортиқча дабдабозлик исроғарчиликка уланибди. Қарабизизки, қирқ кун ичидан бир йиллик ҳосилдан асар ҳам қолмабди. Натижада ҳалқнинг қашшоқлашиши, очарчилик, давлатнинг таназзулга юз тутиши бошланибди.

Элимизнинг бой бўлиши, давлатимизнинг тарақкий этиши ҳар биримизнинг истагимиз. Тўйларимизни ихчамгина ўтказиш бу йўлдаги муҳим қадам. Менимча, бу қадамни қанча эрта кўйсак, шунча яхши.

Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ.

ТАЪЛИМ, СИФАТ, МАҲОРАТ

Буғунги кунда инновацион педагогик технологиялар ичидан кейс-стади технологияси алоҳида ўрин тутади. Кейс (case инглизча - ходиса, вазият) – ходисани тафтиш қилиш ёки ишбилиармонлик ўйинидир. Кейсни муайян «хусусий ҳолни» аник вазиятни таҳлил қилиш технологияси деб ҳам аташ мумкин. Бунинг мөхияти шундан иборатки, унинг асосида муайян вазиятнинг ёки ҳолатнинг ифодаси ётади.

Кейс-стади технологияси таълим жараёнида 1920 йиллар Гарвард бизнес-мактабида менежментга ўқитишида ишлаб чиқилган. Бунгача "study" атамаси ҳуқуқшунослиқда кенг қўлланилган. Гарвардда эса ўқитувчилар ҳар бир маърузадан кейин талабаларга бизнес ёки уни бошқариш соҳасидан муаммога эга бўлган муайян ҳаётий вазиятларни муҳокама қилиш ва ечимини топишни таклиф қилишган. Жонли муҳокама асосида талабалар муаммоларни ҳал қилишган. Бу ерда топилган муаммонинг ечимларини жамоа бўлиб, муҳокама қилиш муҳим ўрин ғаллаган.

Кейс-стади технологияси дунё бўйича таълим амалиётига 1970-1980 йиллардан қўлланила бошлаган. Бу технологиянинг аҳамиятини кўрсатиш учун куйидаги маълумотларни келтириш мумкин: гарб олий таълим мусасаларида типик вазиятларни таҳлил қилишга ўкув вактини 35 - 40% и бағишиланади. Чикаго университетининг бизнес мактабида кейслар хиссаси

25 % вақтни эгаллади. Колумбия университетининг бизнес мактабида 30 %ни, машҳур Уортон бизнес мактабида 40 % вақтни ташкил қиласди.

Гарвард университетида оддий талаба ўқиши давомида 700 тагача кейсни таҳлил қиласди. Собиқ иттифоқ даврида вазиятларни таҳлил қилиш методидан асосан иқтисод факультетларида илғор профессор-ўқитувчилар томонидан фойдаланилган.


Ўзбекистонда кейс технологиясига 1990 йиллардан бошлаб қизиқиш кучайди. Бу иқтисодиётнинг ва ишлаб чиқаришнинг янги тизимга ўтганилиги ва мутахассисларга талабнинг ўзгарғанлиги билан боғлиқдир. Ҳаётнинг барча соҳаларида ғояларни ва технологияларни амалиётга кўллай оладиган «ўз жамоасида» биргаликда ишлай оладиган инновацияларга мойил, вазиятни танқидий ва тезкор таҳлил қиласи оладиган мутахассисларга эҳтиёж кучайди. Шу сабабли таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда муаммоли вазиятларни ҳал қилишга қоби-

Ота-онам борлиги саодатимдир, Юртимнинг тинчлиги ҳаловатимдир, Ҳасрат қилсан агарда маломатимдир, Кўлимдаги шукронам кел, қозогза туш.

Дилноза ЖУМАЕВА.

СИЗЛАРДА МУНОСИҚ БЎЛИШ ОСОНМАС...

Омад ўз-ўзидан кела-вермас экан. Унинг тагида ҳам ўзига яраша меҳнат ётаркан. Бунга беш йил деганда ўқишига кирганимда ишондим. Репетиторга қатнаб билимларимни мустаҳкам-ладим.



Абитуриентлик машаққатларини тотдим. Олган билимм грантга етмади. Шартнома асосида талаба деб атальмиш номга эришдим. Ота-онам мамнуният билан ўқишига кузатдилар.

Бир ҳафта үтди. Дарслар ўз вактида ўтарди. Курсдошларим билан яқиндан танишдим. Кутубхонага меҳр кўйдим. Олийгоҳ мени бутунлай қамраб олди.

Дам олиш куни ўйдагиларга кўнғирок килдим. Гўшакни онам олди.

— Кизим яхшимисан? Эртага боряпман. Бозорга чиқиб тур. Ўша ерда кўришамиз.

Онам билан кўришдик. Мехрибонимнинг кўзига соғинч ёшлари келди. Маҳкам бағримга босдим.

-- Укаларинг ишда. Сингилларинг мактабга қатнайди, сен эса талаба бўлдинг,— дея жилмайиб кўйди онам. Онамнинг кўллари қаварган эди. Мехнат қила туриб шикастлаб

олган бўлса керак, кўрсатгич бармогига дока ўралганди. Ўйлаб қолдим. Онам дала ҳовлимиизга экилган маккажўхори пояларини ёлғиз ўрган. Эх, онажон бармокларингни макка поялари кесганини на хотки билмасам. Юрагим эзилди. Кўлимдан ҳеч нарса келмас, онамга жим тикилиб турардим.

Онам яқинда нафақага чиқди. Биринчи нафақасини дадамнинг нафақасига қўшиб шартнома пулимга тўлади.

Ўйлаб қоламан. Шунча имкониятлар яратиб берган инсонларга муносиб бўла олармикинман. Ишончини оклай олармикинман.

Отажон!

Онажон!

Сизларга муносиб бўлиш осонмас!

Ситора АЛХИЕВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

КЕЙС-СТАДИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТИДА

лиятли кадрларни тайёрлаш учун кейс технологиясини қўллаш зарурити туғилди. Қайд этилганидек, кейс технология нафақат ўкув жараёни билан чекланади, балки илмий-тадқиқот метоиди ҳамдир.

Таълимда кейс-стадининг қўйидаги варианларидан фойдаланиш мумкин. Очиқ мунозарали дарсларни ташкил қилишда талабаларнинг амалий вазиятни муҳокама қила олиш, кўнкима ва малакалари ҳамда ўқитувчининг мунозарани ташкил қиласи олиши муҳим аҳамиятга эга.

Мунозара давомида ўқитувчи уни бошқариб боради. Ҳар бир талабанинг иштирокини таъминлашга эришиши зарур. Ўқитувчи талабалар томонидан топилган ечимларни таҳлил қилиш билан мунозарани яқунлаши мумкин.

Ўкув машғулотларини кейс технологияси асосида ўтказишда кўшимча варианларни қўллаш мумкин. Масалан, муаммоли вазият ва унинг ўзаро мос келмайдиган ечимлари бўйича мунозара, «ақлий ҳужум», илмий баҳс ва дебатлар ташкил қилиш мумкин. Дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи кейс технологияядан фойдаланиш

нинг мақсадга мувофиқлигини аниклаб олиши зарур. Машхур педагог-психолог Б.Блум томонидан таклиф қилинган машғулот мақсадларини аниқлаш тассаномиялардан фойдаланиш мумкин. Уларни эслатиб ўтамиш: билиш - тушуниш - қўллаш - анализ - синтез - баҳолаш.

Билиш ва тушуниш даражасидаги асосий иш маъруза, сухбат, ҳикоя, ахборот билан интерфаол ишларни амалга ошириш давомида бажарилади. Бу ерда ҳам ахборотли кейс матндан фойдаланилди. Фойдаланилган атама ва тушунчалар, формуласлар ва қоидаларни таҳлил қилиш мумкин.

Ўкув кейслари жуда муҳим тарбиявий функцияни ҳам бажаради. Чунки кейсни ечиш давомида маънавий-ахлоқий, ахлоқий-хуљий, ихтимои-сиёсий ва бошқа вазиятларни муҳокама этади. У ердаги муаммоларга ечим тошида фаол қатнашади. Шундай қилиб, кейс технологияси ўқитувчи учун ўзича мақсад эмас, балки, таълим жараёни самарадорлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Илҳом КАРИМОВ,
география ўқитувчи
методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси.

ҚУТЛОВ

Шароф Рашидовга атаб
Танти ўзбек фарзанди,
Эл дардига жо бўлди.
Жиззах халқин дилбанди,
Бугун юз ёшга тўлди.

Чўлни боғга айлабон,
Саҳрого сув очдингиз.
Мехрингизни ҳар томон,
Кўёш каби сочдингиз.

Халқ ишончи ҳар доим,
Сизга мадад ёр бўлди.
Ноҳақ сизга тош отган,
Юзтубанлар хор бўлди.

Улуғлаб ўзбек номин,
Жон фидо қилгандингиз,
Халқнинг оташ қалбидан.
Зўр меҳр кўргандингиз,

Оқлаймиз хизматингиз,
Муносиб авлод бўлиб.
Ҳар дилда иззатингиз,
Қолгай хур сиймо бўлиб.

Гулсанам
ЯХШИЛИКОВА,
мактабгача ва бошлангич
таълими факультети
талабаси.

ТОНГ ИЛҲОМИ

Тонг эркаси — майн шамоли,
Димогимни ўйнатар эпкин.
Дил дардини учирив бехос,
Юрагимни уйғотар секин.

Соғинч дарди қалбимни ўттар,
Мен ўзимни англамай қолдим.
Куним, туним бир хилда ўттар,
Хижрон билан курашиб толдим.

Шамоллардан кутаман најот,
Майсаларга қўксим тифлайман.
Барҳам бериб азобларимга,
Кенгликларда ўксиб йиглайман.

Сонияда ернинг бағрига,
Сингиб кетар қўзимдаги ёш.
Гўё йиллар оғриқларидан,
Топиб олдим суюнчи дарддош.

Лайло ТЎЛАГАНОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Сизгадир ушбу юракда сўзим,
Сиз учун таъзимда турибман ўзим.
Дилиминг тубида янграгай созим,
Эзгулик йўлида толманг устозим.

Фам кўрманг бу дунё тургунча туринг,
Минг йиллик меҳнатнинг хузурин кўринг.
Шоғирдлар баҳтига соғ-омон бўлинг,
Эл ичра эзгулик гаштими кўринг.

Қўлим қўксимдадир доимо қуллук,
Юрагим бир эзгу тилакла тўлиқ.
Бир умур саждага бошим эгаман,
Устозим сиз учун таъзим этаман.

Тоштурди БОТИРОВ,
тарих факультети талабаси.

ЎРГАТАРМАН

Мен сени бекатда кутарман эркам,
Тоқатда Аюбдан ўтарман, балки.
Ёмғирларда ивиб, совуқда қотсанг,
Соябон остида кучарман, балки.

Сен хоҳла, истагин, майли, жонгинам,
Дунё теграсига бориб қайтарман.
Севимиз қўшигин барабалла куйлаб,
Мажнунга севишни мен ўргатарман.

Давлат УСАНОВ,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

АДИБ МАЙДОНИДА

Шароф Рашидовга хотирасига

Озод ватан учун меҳнат қил дея,
Доим ҳалол бўлгин дейди "Дил амри",
Юрт учун содиклик, инсонпарварлик,
Одиллик ҳар жойда "Бўрондан кучли".

Халқ сўйганни дунёда номи ўчмайди,
Етти иқлим танир "Кашмир қўшиғин",
Чин истеъдод уммон ҳеч куримайди
Йил ўтсада бўлгай "Кудратли тўлқин"

Барҳаёт яшайди элда "Ғолиблар"
Чироғи сўнмайди, қилгаймиз эъзоз
Замонлар ортидан "Эрк истар қўнгил"
Оташ қалби қолгай бу юртга мерос.

Азиза АБДУРАҲМОНОВА,
мактабгача ва бошлангич
таълими факультети талабаси.

ХАТИНГ КУТАМАН

Тун. Соат бир.

Қўлимда қалам,
Оқ қоғозга ишқим битаман.
Сен бепарво, жавоб йўқ асло,
Олти ойки, хатинг кутаман.

Айт, золимми тақдир шўнчалар,
Кўксим оғриқларин нетаман,
Тушларимдан ахтариб гоҳо,
Олти ойки, хатинг кутаман.

Умидсизлик — оғир фалокат,
Бу кунларни енгиб ўтарман.
Олти ойки, ёзмасанг жавоб,
Етти ойдир барбир кутарман!

Шаҳзод ШАКАРОВ,
тасвирий санъат ва меҳнат
таълими факультети талабаси.

SORROW

I think and I have headache,
Why do I dream some more.
I cry and my soul has ache,
I depart from the world's fore.

Forgive me, loving mother,
I gave you difficulty.
Forgive me, loving father,
I gave you anxiety.

Happy days come, of course,
Wind blow in hot our chest.
This day needn't the life's sad source,
Probably, then we can rest.

I always embrace mother,
But, me.. me.. world can't embrace.
I want my upright father,
But, as him, I can't brace.

Because, yes, I am sinner,
To dungeon, sin always tug.
I wanted to be winner,
But, world couldn't take, me, its hug...

Gulandom HAZRATQULOVA,
chet tillar faktulteti talabasi.

УСТОЗ

Дунёда бир ном бор, азиз улуғ ном,
Таъзимда қолгувчи барча олдида,
Буюклар яратган, илм ўргатган,
Борликни англатган устоз аслида.

Ўткир ЭРКИНОВ,
информатика йўналиши
талабаси.

ЭЪЛОН!

Хурматли профессор-ўқитувчилар ва талаба-ешлар!

Жорий йилнинг ноябр ойи давомида институт ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов асарларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида "Ислом Каримов асарлари билимдони" китобхонлик ойлиги ўтказилади. Сизларни мазкур ойлика фаол иштирок этишга чакирамиз.

АРМ маъмурияти

ЭНГ АЗИЗ МЕНИНГ БОБОМГА

Ислом Каримов хотирасига

Истиқлол машъалин мангугуга ёқкан,
Ажоддлар руҳининг тинчлигин топган,
Буюк келажакка мардона боқсан,
Доно бобом, даҳо бобом,
Ислом бобом менинг бобом.

Шаҳд ила доим мағрур юргин деди,
Жаҳон айвонида голиб тур деди,
Сен биздан кўра баҳтили бўл деди,
Доно бобом, даҳо бобом,
Ислом бобом менинг бобом.

Аллоҳ назар соглан юрт бизники деди,
Илм олмоқ ҳар бир ўғил қизники деди,
Озод ва обод ватан доим сизники деди,
Доно бобом, даҳо бобом,
Ислом бобом менинг бобом.

Фаранг, араб, ажамлар лол бўлиб қолди,
Чин-у, япон, олмонлар ҳайрон бўлиб қолди,
Сарбонлар ичра сара сарбон бўлиб қолди,
Доно бобом, даҳо бобом,
Ислом бобом менинг бобом.

Абдурашид САТТОРОВ,
Дўстлик тумани, "Бунёдкор" қишлоқ
фуқаролар йигинида яшовчи пенсионер.

КЕТАВЕРСИН ёр

Бир гўзалга ошиқлигим ёқмаса ёқмас,
Менга боқсан кўзлар энди боқмаса боқмас,
Оққан дарё майли энди оқмаса, оқмас,
Майли, кетса кетаверсин ёр.

Кун келиб ўзга ёр қўлларин тутсин,
Розиман, менимас ўзгани кутсин,
Эсламасин бир бор, буткул унутсин,
Майли, кетса кетаверсин ёр.

Олов бўлиб ёнсин кўксимда қалбим,
Соғинчлар сўндиришин дилдаги сабрим,
Кучиб йиглолмасин ўлсам гар қабрим,
Майли, кетса кетаверсин ёр.

Тақдир синовидан ўтолмаган қиз,
Орзулар қасрига етолмаган қиз,
Баҳорнинг келишин котолмаган қиз,
Майли, кетса кетаверсин ёр.

Достон ОДИЛОВ,
дефектология йўналиши
талабаси.

ВАТАНИМ

Онам каби бошим силаган,
Сафар олди оқ йўл тилаган,
Хар қадамда қўли дуода,
Нурли, порлок иқбол тилаган,

Ватан — онамсан меҳрибоним,
Ватан — отамсан суюнч, қалқоним.

Сарвиноз ЖЎРАЕВА,
мактабгача ва бошлангич
таълими факультети
талабаси.

Оҳ, юрагим, кечиргин мени,
Юзларингга тортмайин оғриқ.
Кўлларимнинг қудрати синди,
Сенга севги этолмас тортиқ.

Кўкрагимда ингранади оҳ,
Эримади оҳимдан тошлар.
Суқунатнинг ҳоргин бағрида,
Алам туғди кўзимда ёшлар.

Гуллар сўйган телба шамолнинг,
Оёғида синди-ку фифон.
Ойдин тунлар узун хаёлинг,
Этагига дард соҷди осмон.

Оҳ, юрагим, кечиргин мени,
Севинчимга санчилди тифлар.
Аламларим қучоқлаб энди,
Ёлғизгина шеърларим йиглар.

Муҳайё ХУДОЙҚУЛОВА,
музиқий таълим
йўналиши талабаси.

ВАФО ҲАҚИДА

Бу дунёда қолмади вафо,
Сени севиб хато қилдими?
Кетишингни билиб бевафо,
Муҳаббатим ерга урдими?

Нечун мени севмадинг малак,
Меҳр мендан топмадингми айт,
Юрагимни юлиб бергандим,
Кетдинг. Қолдим мунғайиб шу пайт.

Майли, не ҳам қиласмиз бугун,
Мени кутса, бир ҳижрон кутар,
Аммо сени тақдирни азал,
Муҳаббатим уволи тутар.

Дилмурод НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
тарих факультети талабаси.

УСТОЗ — КҮЁШ

Оқ байроққа мўйқаламдан
Тўкилар байт,
Мен күёшни таърифлашга уринаман,
Қалбингизку күёш қаранг!
Тасвирлашдан сал адашган кўринаман.

Кўк шоҳидан юлдузлар тўкилади.
Буюкликнинг амаллари асли буюк.
Таъзимларга эгилади бу бошимиз,
Устоз чеккан заҳматларинг охири йўқ.

Оқ байроққа тўкилади ўтган кунлар,
Мехрингизни таърифлашга уринамиз.
Сизнинг каби меҳрибонлар тургани.
Нур қўлида кичик жилға кўринаман.

Гулноз УМИРҚУЛОВА,
тасвирий санат ва меҳнат таълими
факультети талабаси.

“Ziyo chashmasi”

СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Азиз талабалар!

Севимли газетангиз "Зиё
чашмаси"га 2018 йил учун обу-
на бошланганини маълум
киламиш.

Институтимиз ҳаётидан доим
равишда хабардор бўлай
десангиз, газетамизга обуна
бўлинг.

Газетамизнинг бир йиллик
обунаси баҳоси 14 минг сўм.

Институтнинг банкдаги хисоб рақами:
400110860084017950100075001.
АТ "Ипотека банк" Жиззах филиали.
ИИН 200343003



ТАҲРИРИЯТ.

Газета • Жиззах-принт•
босмахонасида оғсет усу-
лида чоп этилди.
Адади: 2700. Буюртма
№.

Босмахона манзили:
Жиззах шаҳри, Сайли-
хойи кўчаси, 4-йч.

Навбатчи: О. ОДИЛОВ.
Сахифаловчи:
З. Жавлонова.

Босишига топширилди: 10.11.2017 - 16:00

Бош мухаррир: А